


Юнеско 8 та масжидни жаҳон мероси объектларига киритди



13:00 / 17.11.2021 1382

Котдивуарнинг (Ғарбий Африка) шимолидаги етти шаҳарда жойлашган – Тингрела, Куто, Соробанго, Саматиҳила, МъБенге, Кауара ва Конгодаги саккизта судан услубидаги масжидлар Юнеско томонидан жаҳон мероси объектлари сифатига киритилди.

Азертадж хабарига кўра, жорий йилнинг июль ойида бўлиб ўтган 44 виртуал сессияда Юнеско 36 та янги меросий объектларни тасдиқлади. Улардан фақат иккитаси африкадаги масжидлар ва Габондаги Ивиндо миллий боғи.

Юнеско маълумотларига кўра, бу масжидлар 14 асрга оид меъморий услубнинг талқинини ифодалайди. Булар сопол ёки туяқуш тухумлари билан қопланган вертикал таянчлари ва чўзилган ёғоч тўсинли кичик тупроқли иншоотлар ҳамда нозик миноралардир. Бу масжидлар Ислом маданиятининг тарқалишига ёрдам берган транс саҳара савдосининг муҳим гувоҳликлари бўлиб, вақт ўтиши билан йўқолмаган ҳамда ўзига хос услубда Ислом ва маҳаллий архитектура шаклларининг уйғунлигини акс эттиради.

Жаҳон мероси рўйхатига киритилган 20 та масжиддан 8 таси энг яхши сақланиб қолган масжидлардир. 20 асрнинг бошларида уларнинг бир неча юзтаси яроқсиз ҳолатга келиб қолди ва бугунги кунда уларнинг аксариятидан асар ҳам қолмаган.